

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.03.2019.Psi.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҒАЙИБОВА НАРГИЗА АНОРБАЕВНА

**ТУРЛИ СИБЛИНГ МАҚОМИДАГИ ЎСМИРЛАРНИНГ ТЕНГДОШЛАРИ
БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Гайибова Наргиза Анорбаевна

Турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг тенгдошлари билан муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари..... 3

Гайибова Наргиза Анорбаевна

Социально-психологические особенности взаимоотношений со сверстниками подростков с разными сиблинговыми статусами 23

Gayibova Nargiza Anorboyevna

The socio-psychological features of relationships with peers of teenagers with different siblings statuses..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.03.2019.Psi.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҒАЙИБОВА НАРГИЗА АНОРБАЕВНА

**ТУРЛИ СИБЛИНГ МАҚОМИДАГИ ЎСМИРЛАРНИНГ ТЕНГДОШЛАРИ
БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Psi75 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримова Васи́ла Маманосировна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
социология фанлари доктори, профессор
Душанов Рустам Хужахонович
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги DSc.28.03.2019. Psi.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “__” _____ куни соат__даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32.

Диссертация автореферати 2019 йил “__” _____да тарқатилди.

(2019 йил “__” _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ғ.Б.Шоумаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, психол.ф.д., профессор

Х.А.Кадирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, психол.ф.н., доцент

Р.С.Самаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
ўринбосари, фалсафа.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда жаҳон миқёсида оила ва оилавий муносабатларни тадқиқ қилиш ҳамда мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро шахснинг шаклланиши ва келажагини белгилашда унинг оиласидаги муҳит, ундаги шахслараро муносабатлар, яъни боланинг ота-онаси, сиблинглар: ака-ука, опа-сингиллари билан алоқалари муҳимдир. Хорижий давлатларда ўтказилган кўпгина тадқиқотларда келтирилишича, турли сиблинг мақомига эга бўлган кишилар шахслараро муносабатларда ўзини турлича намоён қилади. Массачусетс технологик институти ҳамда Флорида университети тадқиқотчилари томонидан минглаб сиблинглар хулқи ўрганилиб, ҳуқуқбузарликка мойиллиги ва мактабда муаммолари бўлган болаларнинг 20-40%и оилада иккинчи ўғил фарзанд экани аниқланди. Олиб борилган бошқа тадқиқотларда боланинг ҳуқуқбузарликларни содир этиши, жиноятчилик оламига кириб қолишига сиблингларининг аҳамиятли таъсири борлиги қайд қилинган¹. Оилавий муносабатларнинг шахс шаклланишига беқиёс таъсирини англаган ҳолда бугунги кунда жаҳонда оила муаммолари замонавий жамиятнинг асосий муаммолари сифатида қаралмоқда. Оила муаммоларига бутун жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бутун дунёда 15 май Халқаро оила куни қилиб белгиланган².

Мамлакатимизда ҳам оила ва унинг мустаҳкамлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, унинг асосий йўналишлари сифатида оиланинг тарбиявий-таълимий салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий кадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш масалалари белгиланган³. Мазкур ҳужжатда оилаларда шахсий муносабатларни яхшилаш алоҳида вазифа сифатида кўрсатилган. Зеро оиладаги муносабатлар характери боланинг оиладан ташқаридаги, хусусан тенгдошлари билан бўладиган муносабатларида бевосита ўз аксини топади. Ўсмирлик даврида эса тенгдошлар билан мулоқот етакчи фаолият саналиб, улар билан тенглик асосида қилинган муомала-муносабатлар асосида ўсмир ўзига хос ижтимоий муносабатлар мактабини ўтайди. Бу даврда эгалланган тажриба мустақил ҳаётга қадам қўйишда жуда аҳамиятли ҳисобланади. Катта ўсмирлик

¹ Abderhalden F. P., Evans S. Z. An Examination of Sibling Impact on Frequency and Type of Arrest Among Chronic Offenders, *Actual Problems of Economics and Law*, 2019, vol. 13, No. 1, pp. 1073–1091. DOI: <http://dx.doi.org/10.21202/1993-047X.13.2019.1.1073-1091>.

² Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги A/RES/47/237-сон резолюцияси.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. ПҚ-3808-сон. Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. 2018 йил 27 июнь/ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.06.2018 й., 07/18/3808/1410-сон.

ёшига келиб, бола учун дўст ота-она ва оиласининг бошқа аъзоларидан ҳам аҳамиятли бўлиб қолади⁴.

Оилада ўсмирнинг сиблинг мақоми ва сиблингларнинг ўзаро муносабати унинг шахси шаклланишига ҳамда тенгдошлари билан бўладиган муносабатига маълум маънода ўз таъсирини кўрсатар экан, бу омилни илмий жиҳатдан маҳаллий шароитларда ўрганиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати бутунги кунда мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Зеро Ўзбекистон демографик жиҳатдан ўртача фарзандли оилалар сони юқори бўлган худудга кирса-да, боланинг сиблинг мақоми ва унинг шахсий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги масаласига бағишланган конкрет ижтимоий-психологик тадқиқот Ўзбекистон шароитида шу вақтгача ўтказилмаган.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлат ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий психология соҳасидаги тадқиқотларнинг салмоқли қисми оила ва ундаги муносабатларнинг шахс тараққиётига таъсирини ўрганишга бағишланади.

Бола шахсининг шаклланиши ва ривожланиши унинг оилада нечанчи фарзанд экани, оиласида ака-ука ва опа-сингилларнинг борлиги, туғруқлар орасидаги расмий фарқларга боғлиқлиги ғоясини илгари сурган олимлар А.Адлер ва З.Фрейд ҳисобланади. Улар боланинг сиблинг (инглизча sibling, sibs – бир оиладаги ака-укалар ва опа-сингиллар) мақоми унинг шахсига, кишилар билан муносабатларининг характериға, умуман олганда, келгуси ҳаётда ўз ўрнини топишига таъсир қилишини таъкидлаган. А.Адлер сиблинг мақомининг

⁴ Психология человека от рождения до смерти. Психологический атлас человека/ под ред. А.А.Реана. – М.:АСТ;СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2010.–651 с. С-377.; Давлетшин М.Г. Ёш ва педагогик психология. – Т.: 1994. – 65 б.; Ғозиев Э. Психология (Ёш даврлари психологияси); Пед.ин-лари ва ун-ларнинг талабалари учун ўқув кўлл.-Т.:Ўқитувчи,1994.–224 б.

асосий тўрт турини фарқлайди: биринчи фарзанд (тўнғич), ўртанча фарзанд, кичик фарзанд (кенжа) ва ягона фарзанд⁵.

Хорижлик олимлар, жумладан У.Тоумен, Р.Ричордсон, Р.Дрисколл, Д.Икстейн, Р.Бразингтон, Р.Зайонц, Ф.Гальтон, С.Шахтер, Г.Хоментаскас, Т.Думитрашку ва бошқалар оила ва ундаги шахслараро муносабатлар, сиблинг мақоми ва унинг шахс шаклланишига таъсирини ўз маданий муҳити шароитида ўрганган⁶. Мазкур тадқиқотчилар томонидан бажарилган ишлар натижалари ўзбек оилалари этник хусусиятларига ҳамиша ҳам мос келавермайди, чунки у ердаги демографик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий шароит бизникидан фарқлидир.

Мамлакатимиз психолог олимлари: М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафаев, Ш.Р.Баротов, Б.М.Умаров, А.М.Жаббаров, З.А.Расулова, М.Утепбергенов, Х.К.Каримов, М.С.Салаева, Г.Т.Ядгарова, М.М.Умарова, А.Т.Қодирова, М.Х.Файзиева, О.А.Абдусаттарова, Ф.Ф.Расулова ва бошқаларнинг илмий ишларида республикада оила муаммолари, ундаги шахслараро муносабатлар ва психологик муҳит, ота-она муносабатининг ўсмир шахсига таъсири, оиладаги тарбия ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратилган⁷. Республикада оила муаммолари маълум даражада кўп ўрганилганлигига қарамай, ўзбек оилаларида боланинг сиблинг мақоми ва унинг шахсий кўрсаткичлар билан боғлиқлигига бағишланган эмпирик ишлар деярли бажарилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот

⁵ Адлер А. Понять природу человека. / Пер. Е. А. Цыпина. СПб. “Академический аспект”, 1997. 256 с. С.13-26.; Карбанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования: Учебное пособие. М.: Гардарики, 2005. 320с. С.237-238

⁶ Думитрашку Т.А. Влияние внутрисемейных факторов на формирование индивидуальности // Вопросы психологии. 1996. № 2. С.104.; Козлова Л. Е., Лукьянченко Н. В. Влияние сиблинговой позиции детства на характеристики семейной жизни взрослого человека //Школа и личность. Красноярск, 2003.; Бразингтон Р. Порядок рождения // Психологическая энциклопедия. Изд. 2-е / Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: 2003. С. 1156.; Бэрн Р. Ричардсон Д. Агрессия. СПб: Питер, 2001. 352 с.: ил. / Серия “Мастера психологии”; Каримова В. Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2008 – 152 б. Б-118.; Хоментаскас Г.Т. Семья глазами ребенка: Дети и психологические проблемы в семье/ Г. Хоментаскас. – Екатеринбург:Рама Паблишинг, 2010. 233,с. (Серия «Авторитетные детские психологи»); Чалдини Р., Кенрик Д., Нейберг С. Социальная психология. Пойми себя, чтобы понять других! /серия “Главный учебник”/. СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2002. 336 с.

⁷ Давлетшин М.Г. Оилавий низолар психологияси ва уларни бартараф этиш йўллари.// “Ўзбек оиласининг иқтисодий ва ижтимоий психологик муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тўплами. – Т.: 2000. – Б. 11-13.; Ғозиев Э.Ғ. Социал психология. Ўқув қўл. Т.: Noshir, 2012. – 316 б. –Б.164-182.; Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси: Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 146-152.; Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасавурлар шаклланиши: Психол. фанл. докт. дисс. Фарғона, 1994. -322 б.; Умаров Б.М. Болалар ва ўсмирлар суицидининг ёш ва ижтимоий-психологик шарт-шароитлари: Дис.... психол.фан.номзоди: 19.00.05. – Т.: 1993. – 166 б. Умарова М.М. Ўсмирларда оилавий кадрятлар тўғрисидаги тасавурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари: Дис.... психол.фан.номзоди: 19.00.05. – Т.: 2004. – 166 б.; Салаева М.С. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Дис. психол.фан.ном. 19.00.05. – Т.: 2005. Абдусаттарова О.А. Оила муҳитида ўсмирларда шаклланидиган жинсий идентификациясининг гендер хусусиятлари: Дис...психол.фан.номзоди: 19.00.05. – Т.: 2007. – 166 б.; Расулова Ф.Ф. Ўсмирларда агрессив хулқ-атвор намоён бўлишининг психологик хусусиятлари: Автореф. дисс. пс.фан (PhD): 19.00.06 – Т.: 2018. – 48 б.

ишлари режасининг ОТ-Ф1-126 “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга татбиқ этиш” (2017-2021 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг тенгдошлари билан муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини илмий усуллар ёрдамида аниқлаш ва ўсмир сиблинг мақомининг гуруҳдаги нуфузига таъсирини ўрганиб, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбек оилаларидаги ўсмирлар сиблинг мақомининг тенгдошлари билан бўладиган шахслараро муносабатларига таъсирини назарий-методологик жиҳатдан ўрганиш;

турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг тенгдошлари билан бўладиган муносабатларини диагностика қилиш;

ўсмирларнинг конструктив ҳамда деструктив низоли вазиятдаги ҳуққи услубига сиблинг мақомининг таъсирини ўрганиш;

оиладаги ўсмир мавқеининг гуруҳда тенгдошлари орасидаги нуфузига таъсирини ўрганиш;

Ўзбек оилаларида фарзандлар ўзаро муносабатлари ва ўсмир гуруҳларида соғлом муҳитни вужудга келтиришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри ва Бўка тумани, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг турли сиблинг мақомидаги 303 нафар ўсмир ўқувчиси ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предмети турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг тенгдошлари билан муносабатлари, уларнинг гуруҳ ва оиладаги ижтимоий-психологик мавқеи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, психологик тестлар, сўровнома ва математик статистика методларидан фойдаланилган. Жумладан, ўсмирлар сиблинг мақомининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш учун махсус тузилган сўровнома (ИПС), Э.Г.Эйдемиллернинг “Оила социограммаси” проектив методикаси, К.Томаснинг шахснинг турли низоли вазиятлардаги ҳуққи услубини аниқлашга қаратилган шахсий сўровномаси, Т.Лирининг шахслараро муносабатларни ўрганиш методикаси ҳамда Ж.Морено томонидан таклиф қилинган гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўрганишга қаратилган “Социометрия” методикасидан фойдаланилди. Олинган натижалар ишончилиги математик статистика методлари (Пирсоннинг корреляция коэффиценти, бир омилли дисперсион таҳлил ҳамда Mann-Whitney U мезони бўйича факторли таҳлил) орқали SPSS статистик пакети ёрдамида таъминланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг тенгдошлари билан муносабатлари ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларга эга экани, ўсмирнинг оиладаги мавқеининг гуруҳдаги нуфузига таъсирининг ижтимоий-

психологик, жинсий (гендер) хусусиятларини тавсифловчи ҳолатлар, жумладан, тўнғич фарзандлар низоли вазиятни бартараф қилишда масъулиятни бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўпроқ зиммасига олиши, ўртанча фарзанднинг бошқа сиблинг мақомидаги тенгдошларига нисбатан атрофдагиларга бошқарувчилик, ҳукмрон муносабатларни ўрнатиши, кенжа фарзандлар тенгдошларига нисбатан мулоқотманд бўлиб, гуруҳда ҳам юқори нуфузга эга экани аниқланган;

оила муҳитида устувор бўлган сиблинг муносабатлар ўсмирларнинг тенгдошлари билан муносабатларига бевосита таъсир қилиши, сиблинг муносабатлардан холи бўлган ёлғиз фарзандларнинг ижтимоий шарт-шароитларнинг ўзгаришига мослашиш қобилиятлари кучсизлиги сабаб тенгдошлари билан муносабатларида муаммолар мавжудлиги кўрсатиб берилган;

ўсмирнинг оилада ягона жинсдаги фарзанд экани унинг оиладаги мавқеи ва тенгдошлари билан муносабатларига таъсир этиши, оилада жинсдоши бўлмаган ўғил болаларда ака-укаси бор тенгдошларига нисбатан ҳукмронлик, етакчилик сифатлари юқори экани асосланган;

мактаб психологлари учун ўсмирларнинг тенгдошлар гуруҳида соғлом муҳитни вужудга келтириш ҳамда психологик маслаҳат ишларида турли сиблинг мақомига хос бўлган хусусиятларга эътибор қаратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг тенгдошлари билан муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари илмий методлар орқали ўрганилиб, ўзига хос хусусиятлар аниқланган;

оиладаги коммуникация хусусиятларини ўрганиш бўйича “Оила социограммаси” проектив методикаси психологик хизмат амалиётига жорий қилинган;

мактаб амалиётчи-психологлари ўсмирлар билан психологик хизмат фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва унда турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари кўрсатиб берилган;

ўсмирларнинг сиблинг мақоми ва оиладаги мавқеининг гуруҳдаги нуфузи билан алоқадорлиги, ўсмирнинг оиладаги муносабатларининг тенгдошлари билан муносабатларига таъсирининг ижтимоий-психологик, жинсий хусусиятларини тавсифловчи ҳолатлар тадқиқ қилинган ва педагог, психологлар ўз фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар тўпланган;

тадқиқот натижалари асосида ўзбек оилаларида фарзандлар ўзаро муносабатларида соғлом муҳитни вужудга келтириш ва ўсмирлар гуруҳида ижобий муносабатларни ташкил этишга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда фойдаланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши;

тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методларининг қўлланилиши; тадқиқот объекти сифатида турли ҳудудлардаги муассасаларнинг танлангани; синалувчилар гуруҳининг етарлича репрезентативлиги; олинган эмпирик қийматлар математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинган; хулоса ва натижаларнинг кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинган, амалиётга жорий этилган ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланган билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий психология, оила психологияси, педагогик ва ёш даврлари психологияси, ривожланиш психологияси каби фанлар мазмуни ҳамда ўзбек оилаларида фарзандлар ўзаро муносабатлари, ўсмир сибнинг мақомига оид мавжуд назарий билимларнинг бойитилиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, тадқиқот натижалари мамлакатимизда ижтимоий психология, оила психологияси ва педагогикаси соҳасида янгидан-янги тадқиқотлар истиқболли белгиланганга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, у ўзбек оилаларида фарзандлар сибнинг мақоми ва унинг шахсий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги масаласига маълум маънода аниқлик киритади, маълумотлардан шахсга амалий психологик ёрдам беришда самарали фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материалларидан, аввало, ота-оналар ҳамда мактаб психологлари, ўқитувчилар, тарбиячилар ўз фаолиятида илмий-услубий манбаа сифатида фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, ўсмирлар гуруҳида ва оилаларда сибнинг ўртасида содир бўлаётган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, ҳар бир фарзанднинг оилада ўз ўрнини топиши, бола тарбиясида ота-оналар масъулиятини янада ошириш, оила муҳитида ҳар бир фарзанд туғилишидаги тартибга боғлиқ муаммоларни ечишда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар асосида:

турли сибнинг мақомидаги ўсмирларнинг тенгдошлари билан муносабатларининг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари, ўсмирнинг оиладаги мавқеининг гуруҳдаги нуфузига таъсирининг ижтимоий-психологик, жинсий (гендер) хусусиятларини тавсифловчи ҳолатларни аниқланишига доир олинган илмий натижалар Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 14 октябрдаги П-М-8^А-сонли маълумотномаси). Натижада Психология марказида таҳсил олаётган бўлажак мутахассисларнинг турли сибнинг мақомига хос бўлган ижтимоий-психологик хусусиятлар тўғрисидаги билимларини бойитиш имкониятлари кенгайтирилган.

оила муҳитида устувор бўлган сибнинг муносабатлар ўсмирларнинг тенгдошлари билан муносабатларига бевосита таъсир қилиши, сибнинг муносабатлардан холи бўлган ёлғиз фарзандларнинг ижтимоий шарт-шароитлар ўзгаришига мослашиш қobiliяти кучсизлиги сабабли тенгдошлари билан муносабатларида муаммолар мавжудлиги ҳақида аниқланган натижалар Психология ўқув-илмий маркази фаолиятига жорий қилинган (Психология

ўқув-илмий марказининг 2019 йил 14 октябрдаги П-М-8^А-сонли маълумотномаси). Натижада Психология марказидаги лабораторияларнинг илмий-методик таъминотини бойитишга эришилган;

Ўсмирнинг оилада ягона жинсдаги фарзанд экани унинг оиладаги мавқеи ва тенгдошлари билан муносабатларига таъсир қилиши борасидаги асосланган натижалар Психология ўқув-илмий марказининг фаолиятига жорий этилиб, Психология қайта тайёрлаш курси фанлари дастури мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 14 октябрдаги П-М-8^А-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак психолог-мутахассисларнинг ўсмирлик даври муаммолари, шахс сиблинг мақоми ва оилавий муносабатлар қаторида сиблинг муносабатларга оид билимлари такомиллаштирилиб, маълумотлар уларнинг келгусида амалий фаолиятини самарали ташкил этишига асос сифатида хизмат қилди;

ишлаб чиқилган мактаб психологлари учун ўсмирларнинг тенгдошлар гуруҳида соғлом муҳитни вужудга келтириш ҳамда психологик маслаҳат ишларида турли сиблинг мақомига хос бўлган хусусиятларга эътибор қаратишга доир тавсиялар Психология ўқув-илмий маркази мутахассисларининг психологик хизматни жорий этиш амалиётига татбиқ этилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йил 14 октябрдаги П-М-8^А-сонли маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологларнинг ўсмирлар ва уларнинг ота-оналарига психологик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда турли сиблинг мақомидаги ўсмирлар гуруҳи билан олиб бориладиган фаолиятини ташкил этиш имконияти кенгайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та монография ва услубий қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти аниқлаштирилган, илмий янгилиги баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти,

натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

“Сиблинг мақомининг шахслараро муносабатларга таъсир этувчи омил эканлигини психологияда ўрганилганлиги” деб номланган биринчи бобда муаммонинг назарий таҳлиллари келтирилган. Бобда оилавий муносабатларнинг шахс шаклланишига таъсири, сиблинг муносабатлар ва шахс сиблинг мақомининг ўзига хос жиҳатлари баён этилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфида фарзандлар ўзаро муносабатлари хусусида халқ оғзаки ижодиётдан намуналар ҳамда Ислом динида ота-она ва фарзандлар муносабати муаммосига доир ҳадислар, Шарқ алломаларидан Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий каби алломалар ҳамда маърифатпарвар ижодкорлар илмий меросида шахс шаклланишида оиланинг ўрни, оилавий муносабатларнинг фарзанд тарбиясига таъсирига доир қимматли фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилади.

Шунингдек, хориж психологлари А.Адлер, У.Тоумен, Ж.Данн, Р.Зайонц, Р.Фельсон, А.Тессер, С.Шахтер, Р.Ричардсон, Р.Дрисколл, Д.Икстейн, Р.Бразингтон, Г.Хоментаскас, Т.Думитрашку ва бошқалар томонидан сиблинг мақоми, сиблинг муносабатларнинг шахс тараққиётига таъсири муаммоси ўрганилганлиги таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг учинчи параграфида Ўзбекистонда оилавий муносабатларнинг шахс шаклланишига таъсирини ўрганган кўпгина олимлар ишлари таҳлили келтирилган. Жумладан, бобда мамлакатимиз оилашунос олимлари М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Э.Ғ.Ғозиев, А.К.Мунавваров, З.Т.Нишонова, Ш.Р.Баротов, Б.М. Умаров, Н.А.Соғинов, З.А.Расулова, Т.М.Адизова, Ш.А.Дўстмухамедова, М.С.Салаева, М.Х.Файзиева ва бошқалар илмий изланишларида ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари, оилавий муносабатлар, оила ва ўсмир масалалари конкрет тадқиқотлар асосида ўрганилганлиги баён қилинган.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби **“Турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш”** деб номланади. Мазкур боб турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари психодиагностикасига бағишланган. Унда тадқиқотнинг методологик ва методик асослари, амалга оширилган ижтимоий-психологик сўровнома ва унинг айрим натижалари қайд этилган. Бобнинг биринчи параграфида ўсмирнинг тенгқурлари билан бўладиган шахслараро муносабатларини ўрганишга оид методикалар ва тадқиқот учун махсус ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома таснифи келтирилган.

“Турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини оиладаги шахслараро муносабатлар доирасида ўрганиш натижалари” номли кейинги параграфда тадқиқотга жалб этилган турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг оиладаги шахслараро муносабатлари, ўз сиблинг мақомига муносабати, улар учун аҳамиятли бўлган гуруҳ аниқлаб олинган. Ижтимоий-психологик сўровномадаги тадқиқотда иштирок этган турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг ўз сиблинг мақомига муносабатини

аниқлашга қаратилан “Қайси фарзанд бўлиб туғилиш яхши деб ҳисоблайсиз?”, деган саволга тўнғич фарзандларнинг 47,3%и, ўртанчаларнинг 42,8%и, кенжаларнинг 52,3%и ўз сиблинг мақомини эътироф этганлар. Бу эса ушбу сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг оиладаги ўз ўрнидан мамнун эканликларини билдиради. Фақат ёлғиз фарзандларнинг аксарияти (33,3%и) ўртанча фарзанд вариантыни белгилаганлар, бу эса уларнинг сиблинг муносабатларга эҳтиёж сезишларидан далолат беради. Бизнингча, сиблинг муносабатларга эга бўлган ўсмирлар томонидан “ёлғиз фарзанд” жавоб вариантыни жуда оз миқдорда белгиланганлигидан, уларнинг ака-ука, опа-сингиллик алоқалари инсон учун қадрли бўлган муносабатлар сирасига киришини англашларини билдиради.

“Оиладаги қайси фарзандга кўпроқ масъулият юкланади деб ҳисоблайсиз?” деган саволимизга, ўсмирларнинг аксарият қисми (ёлғиз фарзандлардан ташқари) “тўнғич фарзандга” деб жавоб қайтарганлар. Бу ота-оналарнинг кўп топшириқ ва юмушларни тўнғич фарзандга топширишларини бошқа сиблинг мақомидаги болалар ҳам идрок қилишларини билдиради. Фақат ёлғиз фарзандларнинг 53,4 %и ўз сиблинг мақомларини кўрсатишган, чунки оилада бошқа сиблингнинг йўқлиги барча ишларни ўз бўйинга олишга мажбур қилади, улар ота-оналарининг ягона умиди эканликларини ҳис қиладилар.

Тўнғич фарзанднинг оиладаги шахслараро муносабатларда, низоли вазиятлардаги хулқ услубининг ўзига хослигини “Оилангизда низоли вазиятни бартараф этишда биринчи бўлиб ким ён босади?” деган саволимизга берилган жавобдан ҳам кўриш мумкин. Тўнғич фарзанд мақомидаги ўсмирлар бу саволга бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан икки баравар кўпроқ “ўзим” жавобини белгилаганлар. Бу тўнғич фарзандларнинг болалигидан ота-онасининг муносабатларини ёмон томонга ўзгаришидан хавотирланишини, ота-оналарининг қистови ёки фарзандларнинг каттаси эканидан низоли вазиятни бартараф этишни вазифаси деб билгани учун кичикларга ён босиб ўрганганлигини кўрсатади.

Тадқиқотда иштирок этган кенжа фарзандларнинг 50%и “Тенгдошларингиз даврасида муҳим ишларни ҳал қилишда кўпинча ташаббусни ўз қўлингизга оласизми?” деган саволимизга “йўқ” деб жавоб қайтарганликлари, уларнинг аксарият ҳолларда муаммосини кимдир ечиб беришини кутишлари, масъулиятни бўйинга олишни ёқтирмасликларини билдиради.

Тадқиқот ишининг учинчи боби **“Турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг тенгдошлари билан муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш натижалари”** деб номланади. Бунда тадқиқот методикалари орқали қўлга киритилган натижалар таҳлилига эътибор қаратилган.

“Ўсмирнинг тенгдошлари орасидаги ижтимоий-психологик мавқеига унинг оиладаги сиблинг мавқеининг таъсирини ўрганиш” деб номланган босқичда ўсмирнинг сиблинг мақоми ва сиблинглари билан ўзаро муносабатлари унинг тенгдошлари билан бўладиган муносабатларига,

гуруҳдаги нуфузига қай даражада таъсир қилиши ўрганилган. Бунда ижтимоий-психологик сўровнома ҳамда унинг мазмунига сингдирилган “Оила социограммаси” проектив методикаси ва социометрия натижалари таҳлил қилинган. Ижтимоий-психологик сўровномадан олинган айрим натижалар корреляцион таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

Олинган натижаларга кўра, оиладаги сиблингларнинг ўзаро муносабатлари сиблинг мақоми билан тескари корреляцион боғланиш ҳосил қилди ($r=-0,128$; $p<0,05$). Бу синалувчиларнинг туғилишдаги тартиб сонига қараб (кенжа, ўртанча, тўнғич) ака-ука ва опа-сингиллари билан муносабатлари кескинлашиб бораверишини кўрсатади. Натижани фоизда изоҳласак, кенжа фарзандларнинг 76%и, тўнғич фарзандларнинг ва ўртанча фарзандларнинг 63%и сиблинг муносабатлари ижобий эканини таъкидлашган. Оиладаги катта фарзандларнинг кичикларга мажбуран ота-она тазйқи остида (“сен каттасан-ку” каби иборалар орқали) ён босиши сиблинглик муносабатларида норозилик келтириб чиқарган бўлиши мумкин.

1-жадвал

Ўсмир сиблинг мақомининг ўртоқлари ва сиблинглари билан муносабатига алоқадорлиги даражасини баҳолаш (К.Пирсон корреляция коэффиценти бўйича) (N-273)

	Сиблинг мақоми	Жинси	Оилада жинс-дошлар сони	Сиблинг муносабатлар	Ўртоғига муносабати
Сиблинг мақоми	1	-0,100	-0,090	-0,128*	0,026
Жинси	-0,100	1	0,996**	0,209**	0,148**
Оилада жинс-дошлар сони	-0,090	0,996**	1	0,212**	0,135*
Сиблинг муносабатлар	-0,128*	0,209**	0,212**	1	0,191**
Ўртоғига муносабати	0,026	0,148**	0,135*	0,191**	1

Изоҳ: * $p<0,05$, ** $p<0,01$

Шунингдек, сиблинглар ўзаро муносабатлари жинс билан корреляцион боғланишда ($r=0,209$ **; $p<0,01$) бўлиб, бу тортишувга мойиллик ҳолати қизларда ўғил болаларга нисбатан устунроқлигини кўрсатади. Бизнингча, бунга сабаб қизларнинг хўжалик ишлари ва уй юмушларига кўпроқ жалб этилганлигидадир, чунки уйдаги саришталикни ва тартибни сақлаш кўп ҳолларда қизлардан талаб этилади. Шу сабаб тўнғич қизларнинг уй юмушларини тақсимлашлари, ука-сингилларини назорат қилишлари уларнинг сиблинглари билан кўпроқ тортишувга боришларини тақозо этади.

Натижалардан сиблинглар ўзаро муносабатлари оилада жинсдош болалар сони билан корреляцион боғланиш ҳосил қилганлиги маълум бўлди ($r=0,212^{**}$; $p<0,01$). Бу алоқадорлик оилада жинсдош болалар сони қанча кўп бўлса, ўзаро келишмовчиликлар шунча кўп бўлишини кўрсатади. Буни сиблинглар рақобати ҳодисаси билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ўртоқларига муносабат оилада сиблинглар муносабати билан бўлган ижобий корреляцион боғланиш ($r=0,191^{**}$; $p<0,01$) ҳосил қилиб, бу ўсмирнинг оиласидаги фарзандлар ўзаро муносабатлари ўртоқлари билан бўладиган муносабатлари характерига таъсир қилишини кўрсатади. Яъни оилада сиблинглар муносабати ижобий бўлса, тенгдошлари билан ҳам муносабати ижобий бўлади.

2-жадвал

Ўсмирлар сиблинг мақомининг ўртоғининг сиблинг мақоми билан мувофиқлик даражасини баҳолаш

(К.Пирсон корреляция коэффиценти бўйича)

(N-303)

	Сиблинг мақоми	Фарзандлар умумий сони	Оила таркиби	Ўртоғининг сиблинг мақоми
Сиблинг мақоми	1	0,106	-0,061	0,231**
Фарзандлар умумий сони	0,106	1	-0,150*	0,021
Оила таркиби	-0,061	-0,150*	1	-0,005
Ўртоғининг сиблинг мақоми	0,231**	0,021	-0,005	1

Изоҳ: * $p<0,05$, ** $p<0,01$

Синалувчиларнинг сиблинг мақоми ўртоғининг сиблинг мақоми билан бўлган корреляцион боғланиш ҳосил қилганлиги ($r=0,231^{**}$; $p<0,01$), бу алоқадорлик ҳар бир ўсмир ўз сиблинг мақомига монанд бўлган дўстни танлаш эҳтимоли юқори даражада эканини билдиради. (2 жадвалга қаранг)


Шунингдек, фарзандлар умумий сони билан оила таркиби тескари корреляцион алоқа ҳосил қилган ($r=-0,150^{*}$; $p<0,05$). Бу ёлғиз фарзандлар бошқа сиблинг мақомидаги ўсмирларга нисбатан кўпроқ нотўлиқ оилада тарбияланаётганлигини кўрсатади.

Турли сиблинг мақомидаги ўсмирларнинг тенгдошлари орасидаги ижтимоий-психологик нуфузини ўрганиш мақсадида Ж.Морено таклиф этган социометрия методидан фойдаландик.

Ўқувчининг социометрик статуси танланган мезонларга қараб турлича бўлиши мумкин. Тадқиқотда функционал лидерлик ва коммуникатив лидерликни аниқлаш мезонларини танлаб олдинди. Биринчи мезонда кўпроқ танлов олганларнинг етакчилик сифатларига эътибор қаратилган бўлса, иккинчи мезонда ундаги очиққўнгиллик, меҳрибонлик, мулоқотмандлик каби сифатларга эътибор қаратилади. Инсон ўзига қалбан яқин, уни тушунадиган, ўз муаммосини, гоҳо сирини ошкор қила оладиган дўсти билан доимо бирга

бўлишни истайди. Шундай экан, икки мезон натижаларида маълум фарқ бўлиши исботланди.

Функционал лидерлик мезони бўйича олинган натижалардан, кенжа фарзандлар “Юлдузлар” гуруҳида ҳам, “Ёқимтойлар” гуруҳида ҳам бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўп фоизни ташкил этди. Бизнинг фикримизча, оилада кенжа фарзандлар устидан “хўжайинлар” бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўпроқлиги, аммо шу билан бирга ота-оналарнинг, катталарнинг кенжа фарзандларга сабрли муносабатда бўлиши уларда кишилар билан муносабатда эҳтиёткор, кечиримли муомала қилиш малакаларини ривожлантирган. Албатта, бунда оиланинг маънавий, ижтимоий ва иқтисодий аҳволи, оиладаги тарбия усуллари, ота-оналарнинг маълумотлилик даражаси ва уларнинг фарзандларга муносабатлари каби омиллар ҳам муҳим рол ўйнайди.




1-расм. Функционал лидерликни аниқлаш мезони бўйича умумлаштирилган натижалар (% да)

Социометрия натижаларига кўра, “Яккаланиб қолганлар” гуруҳида ёлғиз фарзандлар бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўп бўлиб чиқди. Бизнингча, ёлғиз фарзанд сиблинг муносабатлардан холи бўлганлиги учун ҳам ҳеч қачон ота-она муҳаббати учун “кураш” олиб бормаган, оилада уларнинг барча айтганлари кўп ҳолларда амалга оширилган. Шу сабаб, улар кишилар кайфиятидаги ўзгаришлар ва ҳис-туйғуларни кўпинча тўлиқ идрок эта олмайдилар. Бу эса ёлғиз фарзандларнинг оиладан ташқаридаги шахслараро муносабатларида ўзларининг етакчилик сифатларини намоён эта олмасликларига, тенгдошлари билан ишончли муносабат ўрнатишларига монелик қилади.

Ўсмирнинг қанчалик очик кўнгиллилиги, тил топишиш қобилияти, ўзгаларни тушуниши, ҳис қила олиши ва бошқа шахсий сифатлари тенгдошлар

даврасида нуфузининг қай даражада бўлишига бевосита таъсир кўрсатади. Бундай сифатлар эса оила даврасида рўй берадиган шахслараро муносабатларнинг характери ва ундаги эмоционал муносабатлар билан белгиланиб, таркиб топади.

Коммуникатив лидерлик мезони бўйича олинган натижаларга кўра, “Юлдузлар” гуруҳида ёлғиз ва ўртанча фарзандлар кенжа ва тўнғич фарзанд мақомидагиларга нисбатан кўпроқ танловга эга эканликлари маълум бўлди. Аммо “Ёқимтойлар” гуруҳида кенжа фарзандлар юқоридаги мезон каби бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан кўп фоизни ташкил этди.



2-расм. Коммуникатив лидерликни аниқлаш мезони бўйича умумлаштирилган натижалар (% да)

Агар I–“Юлдузлар” ва II–“Ёқимтойлар” гуруҳини ижобий танловлар гуруҳи, деб олиб, III–“Қабул қилинмаганлар” ва IV–“Яккаланиб қолганлар” гуруҳини салбий танловлар гуруҳи, деб оладиган бўлсак, сиблинг муносабатларга эга бўлган ўсмирлардан фарқли ёлғиз фарзанд мақомидаги ўсмирларнинг 70%и салбий гуруҳда эканини кўришимиз мумкин. Натижаларга аҳамиятни қаратадиган бўлсак, кенжа фарзандларда ижобий танловлар бошқа сиблинг мақомидаги ўсмирларга нисбатан юқори эканини кўришимиз мумкин. Шунингдек, кенжа фарзандларнинг оиладаги сиблинг муносабатларни бошқа сиблинг мақомидаги ўсмирларга нисбатан кўп фоизда ижобий баҳолаганликларини ҳисобга олсак, оилада сиблинглар муносабатлари ижобий бўлган ўсмирларнинг тенгдошлари даврасида ҳам муносабатлари ижобий ҳамда нуфузи юқори бўлади, деган хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, бу кўрсаткичлар кенжа фарзандларда мулоқотмандлик, ён-атрофдагилар билан очиқлик, киришимлилиқ сифатлари бошқа сиблинг мақомидагиларга нисбатан юқори эканини ҳам билдиради.

Демак, оиладаги сиблинглар муносабати боланинг оиладан ташқаридаги, жумладан, унинг тенгдошлари билан муносабатларига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ўсмирнинг тенгдошлари орасидаги нуфузига оиладаги мавқеининг таъсирини ўрганиш мақсадида ўтказилган Э.Г.Эйдемиллер томонидан таклиф этилган “Оила социограммаси” проектив методикасидан олинган натижаларга кўра, 24% тўнғич фарзандлар сиблинглар ичида ўзини катта қилиб тасвирлаганлар ва уларнинг аксарияти ижобий танлов олган ўқувчилардир. 25% тўнғич, 30% ўртанча фарзанд мақомидаги синалувчилар эса барча сиблинглардан ўзларини кичкина қилиб тасвирлаганлар, уларнинг аксарият қисми социометрия бўйича кам танлов олган ўсмирлардир. Расмларнинг айримларида, хусусан, тўнғич қиз болалар расмларида ўзидан олдинга, ота-онаси доирасининг яқинига укасининг доирасини каттароқ қилиб тасвирлаганларига гувоҳ бўлдик. Бу ушбу тўнғич фарзандларнинг ўзларини инкор этилгандек ҳис қилишларини билдиради.

